

IJORCES

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF CONFERENCE SERIES ON EDUCATION
AND SOCIAL SCIENCES.**

PUBLISHER: ÇORUM: OCERINT -INTERNATIONAL
ORGANIZATION CENTER OF ACADEMIC RESEARCH

IJORCES

**International journal of conference series on education
and social sciences. (Online)**

Science Editor: Sari Lindblom

Vice-rector and professor at University of Helsinki

Copyright © 2021

By Çorum: Ocerint -International Organization Center of Academic Research
All rights reserved.

Available at ijorces.org

Published:

Çorum: Ocerint -International Organization Center of Academic Research

ISSN 2717-7076

Bursa

Bursa, Turkey

ГЕКЛЬБЕРРИ ОБРАЗИ ВА БАДИЙ МАКОН МАСАЛАСИ**М.М.Курбанова**

Тошкент давлат транспорт университети, ўқитувчи

Аннотация: Бу ерда Марк Твенning машхур романы "Гекльерри Финни саргузаштлари" романы бош қаҳрамони Гек ва унинг характерига мувофиқ тасвириланган бадиий макон масаласи ҳақида баҳс юритилади. Ёзувчи дарё, сол, шаҳар, кулба, ўрмон каби маконларда яшаган Гекнинг характерига атроф муҳит таъсирини очиб берган.

Калим сўз ва иборалар: роман, образи, қаҳрамон, макон, вақт, эстетик идеал.

Ҳар қандай бадиий асар реал ҳаёт инъикоси сифатида маълум макон ва вақт бирлигига намоён бўлади. Шу маънода Марк Твенning "Гекльберри Финн саргузаштлари" романы қаҳрамони Гекльберри Финн ҳам, аввало, ўз япаш макони (АҚШ) ва вақти (XIX аср)нинг тасвири сифатида баҳоланади. Мазкур бош қаҳрамон топохронос (айнан -маконвақт) нуқтаи назаридан роман жанрининг кўламдорлик, қаҳрамонлар ҳаётининг кутилмаган саргузаштларга бойлиги билан ажralиб туради. Гекльберри уй, хона, ҳовли, кўча, тоғ, дарё, ўрмон, шаҳар, қайиқ, сол, дала каби аниқ маконларда тасвириланади. У яшайдиган макон ва унда кечадиган вақт ўзининг шафқатсизлиги, тезкорлиги, кутилмаган ҳодисаларга бойлиги билан бош қаҳрамон ҳаётига даҳлдор саналади. "Шу тариқа, санъат, ҳаётнинг икки каррага кўпайгани ҳисобланади. Бадиий асардаги ҳаёт реал ҳаёт билан рақобатлашгандек бизнинг ҳайратимизни оширади, идрокимизни жунбушга келтиради ва уни мудрашига йўл қўймайди" [1,8]. Аслида ҳақиқий бадииятнинг бош вазифаси ҳам шундай ҳисобланади. Шу маънода Гекльберри Финнинг бола сифатида бошидан кечирган фожеалари, доимо таҳлика, сарсон-саргардон юришида ўқувчи ҳаёти ва ички оламига мазмун олиб киради. Бунда бош қаҳрамон мавжуд бўлган топохронос ўқувчи идрокига, ҳис-туйғуларига таъсир этади. Ўқувчини қаҳрамон билан бирга ҳаётни таҳлил этишга, атрофда кечаётган воқеаларга муносабат билдиришга ўргатади.

"The fifth night below St. Louis we had a big storm after midnight, with a power of thunder and lightning, and the rain poured down in a solid sheet. We stayed in the wigwam and let the raft take care of itself. When the lightning glared out we could see a big straight river ahead, and high, rocky bluffs on both sides. By and by says I, "Hello, Jim, looky yonder!" It was a steamboat that had killed herself on a rock. We was drifting straight down for her. The lightning showed her very distinct. She was leaning over, with part of her upper deck above water, and you could see every little chimbly-guy clean and clear, and a chair by the big bell, with an old slouch hat hanging on the back of it, when the flashes come.

Well, it being away in the night and stormy, and all so mysteriouslike, I felt just the way any other boy would a felt when I see that wreck laying there so mournful and lonesome in the middle of the river. I wanted to get aboard of her and slink around a little, and see what there was there" [2.68-69].

Тасвирида ёзувчи дарёдаги тўфон ва мажақланган кема орқали аниқ макон (дарё)даги бола руҳиятининг қизиққон, жасур ва сирлилик каби қирраларини очишига ҳаракат қилган.

Гекльберри Финн мажақланган пароходга кириб кўришни таклиф қиласди. Жим эса бизга шу ер ҳам яхши шарт эмас дейишига қарамасдан улар ёнбошлиб ётган

*International journal of conference series on
education and social sciences. (Online)*

пароходда ўтишади. Пароход қаютасида эса Билл ва Жейк Пиккард исмли одамлар Жим Тернер деган шеригини сотқинликда айблаб, ўлдиromoқчи бўлиб туришган эди. Ёзувчи пароходдаги воқеани жуда секин, батафсил тасвирлайдики, бунда Гекнинг қаютага мўралапи, ётоқхонага кириб, тепа каравот бурчагида, қўрқувдан дағ-дағ титраганча нафас олмасдан, қора терга ботгунча ўтиришини тўлиқ келтиради. Шу ерда қаҳрамон руҳияти тўла очилади. Мажақланган пароходдаги икки қотил ва қароқчилар уларни ҳар лаҳзада топиб, отиб ташлапи мумкин эди.

Гекльберри романдаги барча жой, макон тасвири, персонажлар ҳаракати ва воқеаларнинг ўзак мақсадини ўзига қаратади. Натижада ҳам бир персонаж Гек образи билан муносабатта киришади. Масалан, романда мажақланган кемадан қочиб, уларга ёрдам юборишга эришганларидан кейин дарё ўртасидаги оролда қолишлари тасвирланади [79-83]. Орол ўртасида чакалакзор бўлиб, атроф тинч дараҳтлар орасидаги одам қирғоқдан кўринмас, атроф сокин эди. Орол табиатининг ана шундай тасвири қаҳрамонларнинг ўзларини озод одамлардек ҳис этишлари, bemalol ўйнаб кулишлари учун шароит ҳисобланарди. Натижада Гекнинг ўқишини билиши, қўлига илинган китобни ўқиши ва ўқишини билмайдиган Жимга кўп нарсаларни сўзлаб бериши ушбу қаҳрамонларнинг маънавий оламининг очилишига хизмат қиласди. Хусусан, улар Сулаймон, француз қироли Людовик XVI, унинг етим қолган ўғли ва унинг Америкага келиши, негрларнинг болани доимо хурмат қилиши, ота ҳеч қачон боласини ташлаб қўймаслиги ҳақида катталардек фикр юритишида. Бу эса уларнинг мустақил фикри шакллангани, тафаккури халқ қадриятлари умуминсоний ғоялар - инсонпарварлик, адолатпарварлик, ҳаётсеварлик кабилар билан уйгуларини кўрсатади. Демак, овлоқдаги орол (макон) тасвири қаҳрамонларнинг маънавий оламни очишга ёрдам берган.

Гекнинг бундай сарсон юришидан асосий мақсади етук жамиятни топиш эди. Бундай жойни Гек Қоҳира деб атайди. Улар Қоҳирага уч кунда етиб олишмоқчи бўлишгани, Огайё дарёси Миссисипига қуйиладиган жой, Илинойс штати чегарасига етиб олишса, унда у ёғи озод штатлар ва ҳеч нарсадан қўрмасликни ўйлашган эди. Шу ерда Гекнинг асосий мақсади шахс эрки, Жимники эса озодлик эканлигини очиқ баён этилади. Демак, ёзувчи оролчани воқеалар ривожланиши ва боланинг кундузи яширинини керакли ҳақидаги воқеалар мантиғидан келиб чиқиб сокин, бехавотир макон сифатида беришдан бир неча мақсадни кўзлаган. Биринчиси, болаларнинг кундузи қандай вақт ўтазиши, қаҳрамон сифатида ҳали очилмаган қирраларини очиб бериш бўлса, бошқа томондан, шу ерда ёзувчи Гекнинг китоб мутолааси билан банд бўлиши ва хаёлидаги идеал жамият ҳақида болаларча мулоҳазалари орқали ўзининг ҳам бадиий ниятини ошкор қилган.

Айтиш кераки, Гек сузуб юрган дарё рамзий маънода боланинг ҳаёт йўлини англатади. Икки томон эса кишилик жамияти бўлиб, уларнинг бирорта ерида бола қайиқни тўхтатиб, қирғоқча чиқиб олишига имкон берадиган сайҳонлик, бекат кўринмайди. Иккчинчидан, бола қайта ва қайта тилга олаётган Қоҳира хаёлий макони, одил ва озод жамият ҳақидаги орзулар уларни тинимсиз олга юришга ундейди. Огайо ва Миссисипи дарёлари туташган жойни Қоҳира деб ўйлаган болалар, шахс озод бўладиган маконни излашади. Билишмайдики, бундай макон аслида фақат хаёлда мавжуд, реал ҳаётда эса одам ва одам ўртасидаги ижтимоий муносабат доимо турли зиддиятларга олиб келган. Лекин бу зиддият қонли тўқнашувга, бир-бирини ёмон кўрадиган даражадаги салбий томонга ўзгармаслиги керак. Одам индивид сифатида мавжуд экан, ўзига хос характер қирраларини намоён этиши, турли вазиятлар борасида ўз фикрини айтиши табиий жараён саналади.

Умуман олганда, Гек қаҳрамон сифатида турли бадиий маконлардан ўтар экан,

қатыяятли, кучли бўла бошлайди. Ҳаёт қадри, яхши одамлар озчилик эканлигини англай бошлайди. Ўз олдига катта марралар қўя бошлайди. Охир оқибат Гекни Дугласнинг беваси қонуний равишда ўғил қилиб олади ва у унга кўнади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

- 1.Bachelard, Gaston. The poetics of space. - New York: Orion press, 1964. - 256 p.
- 2.The Adventures of Huckleberry Finn by Mark Twain. A Glass bookclassic. - 261 p.
<http://bookzip.ru>.

